

Инглиз тилини ўрганиш жараёнида луғат бойлигини шакллантириш дастурий таъминоти

Э. Ўрунбаев (СамДУ, доцент)

И. М. Раббимов (СамДУ, талаба)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 12 декабрдаги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875 қарорини ҳаётга тадбиқ этиш борасида:

- чет тилини ўрганиш учун фойдали ва ўрганиш осон бўлган чет тилидаги электрон дарсликлар, қизиқарли ўйинлар ва бошқотирмалар яратиш;

- таълим муассасалари ўқувчиларининг чет тилларини мустақил ўрганишларини ташкил этиш учун дастурий таъминотларни яратиш, ҳамда мавжудларини www.eduportal.uz ва www.ziyonet.uz порталларига жойлаштириш;

- инглиз тилини ўрганишда замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни амалиётга жорий этиш ва ҳ.к. қўйилган вазифалар муҳим аҳамиятга эга.

Бу вазифаларни бажариш учун “Инглиз тилини ўргатувчи” дастурий тизимларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ этишда янги усулларни ишлаб чиқиш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Шунинг учун мазкур ишда инглиз тилини ўрганиш жараёнида луғат бойлигини шакллантириш тренажёрининг дастурий тизимини яратиш масаласининг мумкин бўлган вариантларидан бири таклиф қилинган ва унинг босқичлари ёритилган.

Дастурий мажмуа хусусиятларини баён қилиш учун унинг асосий таркибларини кўриб чиқамиз.

Маълумотлар базаси. Базада мавзулар, қисм мавзулар, луғат, матнлар, фойдаланувчилар ҳақида маълумотлар қуйидаги жадвалларда кўрсатилган шаклда сақланади.

1-жадвал. Луғат тузилиши.

Майдон номи	id_dic	eng	uzb	type	id_depart	id_part
Майдон тури	int	string	string	string	int	int

Майдон номидаги: id_dic-луғат базасидаги сўз тартиб рақами, тури бутун сон; eng-сўзнинг инглизча варианты, тури сатр; uzb- сўзнинг ўзбекча варианты, тури сатр; id_depart–сўз тегишли бўлган мавзу тартиб рақами, тури бутун сон; id_part–сўз тегишли бўлган қисм мавзу тартиб рақами, тури бутун сон.

2-жадвал. Мавзулар тузилиши.

Майдон номи	id_depart	name	note
Майдон тури	int	string	string

Майдон номидаги: id_depart–сўз тегишли бўлган мавзу тартиб рақами, тури бутун сон; name–мавзу номи, тури сатр; note–мавзу ҳақида изоҳ, тури сатр.

3-жадвал. Қисм мавзулар тузилиши.

Майдон номи	id_part	id_depart	name	note
Майдон тури	int	int	string	string

Майдон номидаги: id_part–қисм мавзу тартиб рақами, тури бутун сон; id_depart–қисм мавзу тегишли бўлган мавзу тартиб рақами, тури бутун сон; name–қисм мавзу номи, тури сатр; note – қисм мавзу ҳақида изох, тури сатр.

4-жадвал. Матнлар тузилиши.

Майдон номи	id_text	id_depart	text_eng	text_uzb
Майдон тури	int	int	string	string

Майдон номидаги: id_text–матн тартиб рақами, тури бутун сон; id_depart–матн тегишли бўлган мавзу тартиб рақами, тури бутун сон; text_eng–матннинг инглизча варианты, тури сатр; text_uzb–матннинг ўзбекча варианты, тури сатр.

5-жадвал. Фойдаланувчилар рўйхатининг тузилиши.

Майдон номи	id_user	user_name	last_enter	res_depart	res_part
Майдон тури	int	string	date	int	int

Майдон номидаги: id_user–фойдаланувчи тартиб рақами, тури бутун сон; user_name–фойдаланувчи исми, тури сатр; last_enter– фойдаланувчининг охирга марта ташриф буюрган санаси, тури сана; res_depart–фойдаланувчи ўрганиб чиққан охирги мавзунинг тартиб рақами, тури бутун сон; res_part–фойдаланувчи ўрганиб чиққан қисм мавзуларнинг охиргисининг тартиб рақами, тури бутун сон.

Дастурнинг мантиқий тавсифи.

Дастур икки қисмдан иборат.

Биринчи қисмда маълум мавзудаги луғат бойлигини ошириш ва унинг натижасини текшириш амалга оширилади.

Бунда, N та сўз луғат базасидан генерация қилинади. Генерация қилинган сўзларни ўрганиш борасида иккита режим ўрнатилган:

Ўқитиш режими:

а) фойдаланувчига инглизча сўз, унинг ўзбекча варианты ва бунга мос сўз туркуми номи берилади;

б) фойдаланувчи сўзни ўрганиб бўлгач сўз ўрганилганлигини билдирувчи махсус белгини қайд қилади ва кейинги сўзга ўтилади;

в) ҳар икки сўздан кейин бу сўзларнинг ўзбекча варианты берилади ва унинг инглизча варианты фойдаланувчи томонидан киритилади. Агар жавоб нотўғри бўлса сўзнинг тўғри варианты кўрсатилади.

Худди шундай ҳаракатлар қисм мавзулардаги сўзларни тўлиқ ўрганиб чиқилгунча ёки фойдаланувчи ўқув жараёнини тўхтатгунча давом этади.

Назорат режими уч босқичдан иборат.

Биринчи босқич: сўзнинг ўзбекча варианты ва бир қанча инглизча вариантлари тақдим этилиб, уларнинг орасидан тўғри вариантни танлаш талаб этилади. Шу тариқа қисм мавзудаги барча сўзлар текширилади. Натижа талаб даражасидан (фоизда) юқори бўлса иккинчи босқичга ўтилади.

Иккинчи босқич: сўзларнинг ўзбекча варианты биринчи устунда, инглизча варианты эса иккинчи устунда берилади. Бир-бирига мос бўлган сўзларни белгилаш талаб қилинади. Шу тариқа қисм мавзудаги барча сўзлар текширилади. Натижа талаб даражасидан (фоизда) юқори бўлса учинчи босқичга ўтилади.

Учинчи босқич: сўзнинг ўзбекча варианты берилади унинг инглизча вариантыни ёзиш талаб қилинади. Жавоб нотўғри бўлса унинг тўғри варианты келтирилади. Шу тариқа қисм мавзудаги барча сўзлар текширилади. Натижа талаб даражасидан (фоизда) юқори бўлса назорат жараёни тугатилади.

Баржа босқичларда натижа талаб даражасида бўлмаса жараён бошига қайтилади.

Мавзуга доир сўзлар ўрганилгандан сўнг иккинчи қисм, яъни матн билан ишлаш қисмига ўтилади. Бу қисмда ўрганилган сўз бойлигидан фойдаланиб тузилган матнни ўрганиш ва унинг натижасини текшириш амалга оширилади.

Бунда, инглиз тилида ўрганилган сўзлардан тузилган гап ва унинг ўзбек тилидаги таржимаси берилади. Гапнинг грамматик таҳлили ҳам келтирилади. Фойдаланувчи гап ўрганилганлиги ҳақидаги маълумотни берувчи махсус белгини қайд қилгандан кейин шу гапнинг инглиз тилидаги варианты ҳамда ўзбек тилидаги вариантида сўзлар кетма-кетлиги ўзгартириб берилади. Фойдаланувчи сўзлар кетма-кетлигини тўғирлаши лозим. Агар берилган жавоб хато бўлса неча фоиз хато қилинганлиги ва гапнинг тўғри варианты чоп қилинади ва кейинги мавзуга ўтилади.

Дастурнинг имкониятлари қуйдаги вазифалар асосида ривожлантирилмоқда:

- маълумотлар базасини кенгайтириш ва турли предмет соҳалар (таълим, иқтисод, бизнес, тиббиёт, туризм, математика, информатика ва ҳоказо) билан боғлиқ бўлган махсуслаштирилган мавзуларни ташкил қилиш;
- сўзларни, гапларни тўғри талаффуз қилишни ўргатиш ва назорат қилиш жараёнини автоматлаштириш;
- программа таъминотини интернет-технологиялар асосида лойиҳалаш ва интерактив сайт яратиш.

Адабиётлар

1. Шемякин Ю.И. Начало компьютерной лингвистики. – М.: Финансы и статистика, 1999. – 283 с.
2. Фаронов В. В. Делпҳи. Программирование на языки высокого уровня: Учебник для вузов. - СПб.: Лидер, 2010. – 640 с.
3. Бонк Н.А., Котий Г.А., Лукянова Н.А. Инглиз тили дарслиги. Ўзбек тилига Баҳодир Журабоев таржимаси. Наманган. 2006. – 530 с.
4. К. Дж. Дейт. SQL и реляционная теория. Как грамотно писать код на SQL. Санкт-Петербург-Москва. 2010. – 474.

БУЮРТМА ВАРАҚАСИ

Фамилияси	Ўрунбаев
Исми	Эркин
Отасининг исми	
Маълумоти	Олий
Илмий даражаси (унвони)	Техника фанлари номзоди, доцент
Ташкилотнинг номи	СамДУ
Лавозими	Кафедра мудири, доцент
Вилоят	Самарқанд
Шаҳар, туман	Самарқанд
Кўчаси, уйи	Шокирбеков 22/24 уй
Телефон (уяли телефон)	+998(91) 537-59-60
Факс	
E-mail	urin54@rambler.ru
Мавзу номи	Инглиз тилини ўрганиш жараёнида луғат бойлигини шакллантириш дастурий таъминоти
Шўъба номи	8. Дастурлаштириш: ҳозирги замон ва ривожланиш тенденциялари

Фамилияси	Раббимов
Исми	Илёс
Отасининг исми	Меҳриддинович
Маълумоти	
Илмий даражаси (унвони)	
Ташкилотнинг номи	СамДУ
Лавозими	Магистратура талабаси
Вилоят	Самарқанд
Шаҳар, туман	Иштихон
Кўчаси, уйи	Бешбола маҳалласи
Телефон (уяли телефон)	+998(93) 353-24-60
Факс	
E-mail	ilyos.rabbimov@mail.ru
Мавзу номи	Инглиз тилини ўрганиш жараёнида луғат бойлигини шакллантириш дастурий таъминоти
Шўъба номи	8. Дастурлаштириш: ҳозирги замон ва ривожланиш тенденциялари